

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЕЙМОВ КАМАЛ МАМБЕТКАРИМОВИЧ**

**ЭНЕРГИЯ ТИЗИМЛАРИ ЭЛЕКТР ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ  
ЮКЛАМАЛАРИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Реймов Камал Мамбеткаримович**

Энергия тизимлари электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал  
бошқариш..... 3

**Реймов Камал Мамбеткаримович**

Оптимальное управление нагрузками электропотребителей энергосистем 19

**Reymov Kamal Mambetkarimovich**

Optimal control of electric consumers load of power systems..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РЕЙМОВ КАМАЛ МАМБЕТКАРИМОВИЧ**

**ЭНЕРГИЯ ТИЗИМЛАРИ ЭЛЕКТР ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ  
ЮКЛАМАЛАРИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник  
мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестациялаш комиссиясида В2017.1.PhD/T91 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гайибов Тўлқин Шерназарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бобожанов Махсуд Қаландарович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Соколов Валерий Константинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«SREDAZENERGOSETPROEKT» АЖ**

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-03-41

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Қ.Р. Аллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси  
т.ф.д., профессор, академик

**О.Х. Ишназаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х

**И.М. Ибадуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда энергия ресурслари сарфини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар етакчи ўринни эгалламоқда. Юклама графигини зичлаштириш орқали электр энергия ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва янги истеъмолчиларни электр энергия билан қўшимча станцияларни ишга туширмасдан таъминлаш имконини яратиш «ривожланган мамлакатларда юклама графикларини меъёрлаш бўйича тадбирлар максимал юклама шароитларида қувват берувчи янги станцияларни ишга туширишга нисбатан 3 марта кам маблағни талаб қилади»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда ростланувчан электр истеъмолчиларининг юклама графикларини оптимал бошқариш орқали энергия самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда электр энергетика тизимларининг оптимал иш режимларини таъминлаш учун истеъмолчиларнинг рационал электр юкламаларини аниқлаш масалаларини ечишнинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчилари юкламаларини оптимал бошқаришни эътиборга олиб режалаштириш ва бунда давлатлараро энергетик бирлашмага кирувчи тизимлар ўртасида қувват оқимларини оптималлаштириш, бирламчи энергия ресурси чекланган электр станцияларини ҳисобга олиш ва тармоқ факторини ҳисобга олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш йўналишларида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда энергетика соҳасини сифат жиҳатидан ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техник-технологик даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада энергетика тизимининг иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган ишончли ва сифатли қисқа муддатли режимларини режалаштириш учун зарурий алгоритмларни ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда ростланувчан истеъмолчиларнинг юкламаларини оптималлаштириш ҳисобига ёқилғи сарфини камайтириш алгоритмларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарур ҳисобланмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...»<sup>2</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда,

<sup>1</sup><http://www.energsovet.ru/stat696.html>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

жумладан, энергетика тизимларининг режимларини режалаштиришда электр истеъмолчилар юкламаларини ва давлатлараро энергетик бирлашмаларда тизимлар орасида қувват оқимларини оптималлаштириш, бунда бирламчи энергия ресурси чекланган станцияларни ва тармоқ факторини ҳисобга олишнинг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптималлаштиришнинг моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш йўналишида жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University of Michigan (АҚШ), University of Waterloo (Канада), North China Electric Power University (Хитой), Tokyo technology institute (Япония), Ягона энергетика тизими федерал тармоқ компанияси, Бутунроссия электроэнергетика илмий-тадқиқот институти (ВНИИЭ, Россия), Урал давлат техника университети (УПИ, Россия), Мелентьев номидаги Сибир энергетика институти (МСЭИ, Россия), Москва энергетика институти (Россия), «Илмий-техника маркази» МЧЖ ва «Энергомарказ» МЧЖ (Ўзбекистон)да кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Энергетика тизимининг қисқа муддатли режимини режалаштиришда электр истеъмолчиларининг юклама графикларини бошқариш масалалари бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда машҳур олимлар Совалов С.А., Руденко Ю.Н., Семенов В.А., Воропай В.И., Горнштейн В.М., Арзамасцев Д.А., Цветков Е.В., Бартоломей П.И., Манусов В.З., Аюев Б.И., Ерохин П.М., Обоскалов В.П., Баринов В.А., Жангиров В.А., Гамм А.З., Гуртовцев А.Л., Забелло Е.П., Левин В.М., Натан П. (Nathan P.), Вассерман Р. (Wasserman R.), Мурти П. (Murty P.), Ху Гуою (Xu Guoyu), Ф.Д. Галиана (F.D. Galiana), П.П.Ж. ван ден Буш (P.P.J. van den Bosh), Брукс Б.А. (Brooks B.A.), Модеринк В. (Molderink V.), Равибабу П. (Ravibabu P.), шунингдек, мамлакатимиз

олимлари Фазылов Х.Ф., Юлдашев Х.Ю., Насиров Т.Х., Аллаев К.Р., Сытдыков Р.А., Соколов В.К. ва бошқалар томонидан катта ҳисса қўшилган.

Мухим ютуқларга қарамай, турли энергетика тизимлари учун, қўрилаётган масаланинг самарали ечимига, уларнинг фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда энергетика тизими электр истеъмолчиларининг юклама графикларини оптималлашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янги алгоритмларни яратиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчилар юкламаларини бошқариб оптимал режалаштириш, давлатлараро энергетик бирлашмага кирувчи тизимлар ўртасида қувват оқимларини ва дастлабки маълумотлар эҳтимолли хусусиятга эга бўлганда оптималлаш, бирламчи энергия ресурси чекланган электр станцияларни ва тармоқ факторини ҳисобга олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга масалалардан бири ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-123 «Ўзбекистон Республикасининг асосий электр тармоқларида электр энергияни узатишдаги исрофларни манъбаларнинг реактив қувватлари ва трансформаторларнинг трансформациялаш коэффициентларини оптималлаш орқали минималлаштириш» (2012-2014 й.), А-3-96 «Ўзбекистон Республикаси энерготизими электр истеъмолчилари юкламаларини оптимал бошқариш» мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган (2015-2017 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** энергетика тизимларининг қисқа муддатли ҳолатини режим ва технологик чеклашларни ҳисобга олиб электр истеъмолчиларнинг юкламаларини оптимал бошқариш орқали режалаштириш масаласини математик модели ва ечиш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптимал режалаштиришда электр истеъмолчилари юкламаларини бошқаришнинг мавжуд ҳолатининг тадқиқи ва таҳлили;

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда ростланувчан электр истеъмолчиларнинг юкламаларини оптималлаштириш масаласининг математик моделини ишлаб чиқиш;

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб, режим ва технологик чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптимал режалаштириш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ҳалқаро энергетик бирлашмалар таркибига кирувчи энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини оптимал режалаштиришда тизимлар орасидаги электр узатиш линияларида қувват оқимларини ҳисобга олиш ва оптималлаштиришнинг алгоритмларини яратиш;

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштиришда бирламчи энергия ресурси чекланган электр станцияларини ҳисобга олиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштиришда тармоқ факторини ҳисобга олиш алгоритмларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида электр станциялари ва ростланувчан юкламали электр истеъмолчиларига эга бўлган электр энергетика тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** энергетика тизимининг қисқа муддатли ҳолатларини ростланувчан электр истеъмолчилари шароитида режим ва технологик чеклашларни ҳисобга олиб оптимал режалаштириш алгоритмларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида электр энергетика тизимлари режимларини ҳисоблашнинг замонавий назарияси, чизиқли ва ночизиқли математик дастурлаш, математик статистика ва эҳтимолликлар назарияси ҳамда тизимий таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда электр истеъмолчилари юкламаларини оптимал бошқаришнинг математик модели ишлаб чиқилган;

энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда электр истеъмолчиларининг юклама графикларини режим ва технологик чеклашларни ҳисобга олиб оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган;

энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини оптималлаштиришда бирламчи энергия ресурси чекланган станцияларни ҳисобга олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқаришда тармоқ факторини ҳисобга олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштириш алгоритмлари ва дастурлари ишлаб чиқилган;

энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда давлатлараро электр узатиш линиялари бўйича оптимал қувватлар оқимини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини бирламчи энергия ресурси чекланган станцияларни ҳисобга олиб оптималлаш алгоритми ва дастури яратилган;

ростланувчан электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқаришда тармоқ факторини ҳисобга олишнинг самарали алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот олиб боришнинг электр энергетика тизимлари режимларини ҳисоблашнинг замонавий назарияси, чизиқли ва ночизиқли математик дастурлаш усуллари, математик статистика ва эҳтимолликлар назарияси ҳамда тизимий таҳлил усуллари асосланган замонавий воситалари ва услубларидан фойдаланувчи кўп сонли экспериментал тасдиқлашлар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини ростланувчан электр истеъмолчиларни бошқариш ҳисобига оптимал режалаштириш масаласининг ҳисобий станциялар ва электр истеъмолчиларининг оптимал юклама графикларини тизимлар орасидаги линияларда қувват оқимлари, бирламчи энергия захираси чекланган иссиқлик электр станциялари ва тармоқ факторини ҳисобга олиб аниқлаш имконини берувчи математик моделлари ва ечиш алгоритмлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчилар юкламаларини бошқариб ва барча чеклашларни ҳисобга олиб оптимал режалаштиришнинг ишлаб чиқилган дастурлари билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурлари энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини ростланувчан электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб ва барча режим ҳамда технологик чегаравий шартларни ҳисобга олиб оптимал режалаштириш; давлатдараро тизимлар ўртасидаги линияларда оптимал қувват оқимларини аниқлаш; бирламчи энергия ресурси захираси чекланган станцияларнинг оптимал иш режимлари; тармоқ факторини рационал ҳисобга олиш ва энергетика тизимларининг электр тармоқлари режимларини оптималлаштиришда фойдаланилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Энергия тизимлари электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ростланувчан электр истеъмолчилар юклама графигини оптималлаш масаласининг математик модели Ўзбекистон энергетика тизимининг суткалик режимини оптимал режалаштиришда «Ўзбекэнерго» АЖ Миллий диспетчерлик маркази (МДМ)га жорий қилинган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2017 йил 30 октябрдаги РМ-01-21/8193 - сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида энергетика тизимининг қисқа муддатли ҳолатларини режим ва технологик чеклашларни ҳисобга олиб, режалаштиришда ростланувчан электр истеъмолчиларнинг оптимал юклама графикларини аниқлаш имкони яратилган;

электр энергия истеъмолчилари юклама графигини оптималлаш алгоритмлари Ўзбекистон энергетика тизимининг суткалик режимини оптимал режалаштиришда «Ўзбекэнерго» АЖ МДМ га жорий қилинган («Ўзбекэнерго» АЖнинг 2017 йил 30 октябрдаги РМ-01-21/8193-сон

маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида суткасига 63,6 тонна шартли ёқилғини тежаш имконини берган;

энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчилар юкламаларини бошқариб оптимал режалаштиришда давлатлараро энергетик бирлашмага кирувчи тизимлар ўртасида қувват оқимларини оптималлаштириш, бирламчи энергия ресурси чекланган электр станцияларини ҳисобга олиш ва тармоқ факторини ҳисобга олишнинг самарали алгоритмлари А-12-072 «Электр энергетика тизимлари режимларини оптималлаш ва бошқариш учун сунъий интеллект усулларини қўлловчи эксперт тизимларини ишлаб чиқиш» грант лойиҳасида (2006–2008 й.) қўлланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 15 декабрдаги ФТА-02-11/1303-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида электр станциялари ва ростланувчан электр истеъмолчиларининг энергетика тизими бўйича сарфланувчи харажатларни минимал бўлишини таъминловчи оптимал юкламаларини ҳолат ва технологик чегаравий шартларни эътиборга олган ҳолда аниқлаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва битта республика илмий-амалий ва илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 5 та мақола, республика журналларда 8 та мақола чоп этилган бўлиб, 5 та ЭҲМ дастури гувоҳномаси мавжуд.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг зарурлиги ва долзарблигининг асосланиши, мақсади ва асосий кўриладиган масала ҳамда Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиянинг ривожланиш йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти, ишларни чоп этганлик ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Электр истеъмолчилар юкламаларини бошқаришнинг замонавий ҳолати таҳлили»** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси ва жаҳонда электр истеъмолчилар юкламаларини бошқариб энергетика тизими режимларини қисқа муддатга оптимал режалаштиришнинг мавжуд ҳолати изоҳланган. Мавзу бўйича адабиётлар ҳаволаси, энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини оптималлашда электр истеъмолчилар юкламаларини оптимал бошқариш масалаларини ечишнинг мавжуд моделлари, усуллари ва алгоритмлари таҳлили натижалари тақдим этилган. Электр истеъмолчи юкламаларини оптимал бошқариш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «Энергетика тизими электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқаришнинг математик модели ва алгоритмлари» деб номланган иккинчи бобида электр истеъмолчи юкламаларини оптимал бошқариш масалалари ечимининг математик модели ва ечиш алгоритми келтирилган. Ҳамда электр истеъмолчиларнинг юкламаларини бошқаришнинг оптималлик шарти, тавсия этилган математик модел ва алгоритм самарадорлигининг тадқиқот натижалари берилган.

Энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчи юкламаларини оптимал бошқариб оптималлаш масаласи математик тарзда қуйидагича ифодаланади:

$T$  режалаштириш даврида барча ИЭСдаги умумий ёқилғи сарфи ҳаражатларини ўзида акс эттирувчи мақсад функциясини

$$B = \sum_{t \in T} \sum_{i \in N} B_i(P_i^t) \quad (1)$$

қўйидаги:

-  $T$  режалаштириш даврида ҳар бир интервалда энергетика тизимида қувват баланси бўйича

$$W_t = \sum_{i \in N} P_i^t - \sum_{j \in M} P_j^t = 0, \quad t \in T \quad (2)$$

- ҳар бир ҳисобий электр истеъмолчилари (оптималлашда иштирок этувчи) учун режалаштириш даврида электр энергия баланси бўйича

$$\varphi_j = \sum_{t \in T} P_j^t - \mathcal{E}_j^T = 0, \quad j \in M \quad (3)$$

- ҳисобий электр станциялар ва электр истеъмолчиларнинг мумкин бўлган минимал ва максимал юкламалари бўйича

$$P_i^{t, \min} \leq P_i^t \leq P_i^{t, \max}, \quad i \in N, \quad t \in T, \quad (4)$$

$$P_j^{t, \min} \leq P_j^t \leq P_j^{t, \max}, \quad j \in M, \quad t \in T \quad (5)$$

- қувват оқимлари назорат қилинувчи электр узатиш линиялари (ЭУЛ) қувват оқимини рухсат этилган қиймати бўйича

$$P_l^t \leq \bar{P}_l^t, \quad l \in L_p, \quad t \in T \quad (6)$$

чеклашларни ҳисобга олган ҳолда минималлаштирилсин.

Бу ерда  $N$ ,  $M$  – оптималлашда иштирок этувчи ИЭС ва электр истеъмолчилари тўплами,  $L_p$ -қувват оқимлари назорат қилинувчи ЭУЛ тўплamlари;  $P_i^t, P_j^t$ -  $t$ - интервалдаги ростлаш даврида  $i$ -ИЭС ва  $j$ - электр истеъмолчи қувватлари;  $B_j(P_i^t)$  - ростлаш даврида  $t$ - интервалда  $i$ -ИЭС нинг  $P_i^t$  юкламасидаги ёқилғи ҳаражатлари;  $W_t, \varphi_j$  –мос ҳолда  $t$ - интервалда актив қувват ва  $T$  режалаштириш даврида  $j$ - истеъмолчининг электр энергияси бўйича нобаланс функциялари.

Кўрилатган масалани ечишда тавсия этилаётган алгоритм, тенглик кўринишидаги чеклашларни эътиборга олиб, ҳисобий электростанциялар ва ростланувчи электр истеъмолчиларнинг ўзгарувчи қувватларини мустақил ( $y_i, i=1, 2, \dots, T+m$ ) ва номустақил ( $x_j, j=1, 2, \dots, T^*(n+m)-(T+m)$ )

ўзгарувчиларга ажратишни назарда тутати. Бунда, тенглик кўринишидаги ҳар бир чеклашдан биттадан ўзгарувчи номустиқил ўзгарувчи сифатида ажратилади. Натижада номустиқил ўзгарувчиларнинг сони тенглик кўринишидаги чеклашлар сонига тенг бўлади. Бундай ўзгарувчилар сифатида, рухсат этилган ўзгариш диапазони катта бўлган ўзгарувчиларни танлаш тавсия этилади.

Мақсад функцияси кўйидагича ифодаланади:

$$F = B + \sum_{t \in T} \sum_{l \in L_p} \Pi_l^t \quad (7)$$

Ҳисоблаш жараёни номустиқил ўзгарувчилар учун дастлабки қийматларни, дастлабки қадамлар ва ҳисоблаш аниқлигини қабул қилишдан бошланади. Мустиқил ўзгарувчиларнинг маълум қийматларида номустиқил ўзгарувчилар қийматлари (2) ва (3) тенглик кўринишидаги чеклашлардан иборат тенгламалар системасини ечиш асосида топилади.

Мақсад функцияси (7) градиентнинг компонентлари, мақсад функциясининг мустиқил ўзгарувчиларига мураккаб боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади:

$$\frac{\partial F^{(k-1)}}{\partial y_j} = \frac{\partial \bar{F}^{(k-1)}}{\partial y_j} + \sum_{i=1}^{T+m} \frac{\partial \bar{F}^{(k-1)}}{\partial x_i} \cdot \frac{\partial x_i^{(k-1)}}{\partial y_j}, \quad j = 1, 2, \dots, T^*(n+m) - (T+m) \quad (8)$$

Мустиқил ўзгарувчилар ҳар бир  $k$  - итерацияда кўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$y_j^{(k)} = y_j^{(k-1)} - h_j^{(k)} \cdot \frac{\partial F^{(k-1)}}{\partial y_j}, \quad j = 1, 2, \dots, T^*(n+m) - (T+m) \quad (9)$$

Антиградиент йўналишдаги қадамлар кўйидаги шарт бўйича аниқланади:

$$h^{t(k)} = \begin{cases} 1, 3h^{t(k-1)}, & \text{агар } \frac{\partial L^{(k-1)}}{\partial P^t} \cdot \frac{\partial L^{(k-2)}}{\partial P^t} > 0, \\ 0, 4h^{t(k-1)}, & \text{агар } \frac{\partial L^{(k-1)}}{\partial P^t} \cdot \frac{\partial L^{(k-2)}}{\partial P^t} < 0. \end{cases} \quad (10)$$

Шундай қилиб, электр истеъмолчи юкламаларини оптимал бошқариб энерготизимнинг қисқа муддатли режимини оптималлаш ва номустиқил ўзгарувчиларни ажратиш, чеклашларни эътиборга олган ҳолда берилган алгоритм бўйича ҳисоблаш жараёни кўйидагича бўлади:

1) мустиқил ўзгарувчилар сифатида қабул қилинган ҳисобий станция ва тугун юкламаларининг ростланувчи электр истеъмолчилари қувватларининг бошланғич қийматлари, мустиқил ўзгарувчилари бўйича қадам ва ҳисоблаш аниқлиги қабул қилинади;

2) (2) ва (3) тенглик кўринишидаги чеклашлардан иборат тенгламалар системасини ечиш асосида мустиқил ўзгарувчиларнинг бошланғич қийматларида номустиқил ўзгарувчи сифатида қабул қилинган ҳисобий станцияларнинг ва юклама тугунлари қувватларининг қийматлари аниқланади;

3) (8) формуладан мустақил ўзгарувчилар бўйича мақсад функциясининг градиент компонентлари ҳисобланади;

4) (10) шартдан мустақил ўзгарувчилар бўйича антиградиент йўналишидаги қадамлар аниқланади;

5) (9) формуладан келгуси итерациядаги мустақил ўзгарувчилар қийматлари аниқланади;

6) (2) ва (3) тенглик кўринишидаги чеклашлардан иборат тенгламалар системасини ечиш асосида топилган мустақил ўзгарувчилар қийматларида келгуси итерациянинг номустақил ўзгарувчи қийматлари аниқланади;

7) Барча чеклашлар бажарилганда итерация жараёнининг яқинлашиши шартини таъминлаш текширилади:

$$|B^{(k-1)} - B^{(k)}| \leq \varepsilon_B$$

Яқинлашиш шарти бажарилган ҳолда, ҳисоблаш жараёни тўхтатилади ва охириги итерацияда олинган натижа оптимал натижа сифатида қабул қилинади. Акс ҳолда, 3 пунктдан шунга ўхшаш кейинги итерация бажарилади.

Берилган алгоритмнинг самарадорлиги иккита ИЭС ва ростланувчи юкламага эга истеъмолчилардан ташкил топган, энерготизимнинг юклама графигини оптимал қоплаш мисолида тадқиқ қилинган. ИЭСларнинг ёқилғи

**1-жадвал** харажатлари тавсифлари  $B_i = a_i + b_i P_i + c_i P_i^2$  (\$/ч.) кўринишида квадратик шаклда ифодаланган бўлиб, коэффициентларнинг қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

**ИЭСнинг энергетик тавсифлари коэффициентлари ( $a_i=0$ )**

ТЭС	$b_i$	$c_i$
ТЭС – 1	4,0	0,024
ТЭС – 2	6,0	0,016

Ростлаш даврида истеъмолчиларнинг қатъий бўлмаган юкласи ва электроэнергия қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Ростлаш даврида истеъмолчиларга узатиладиган электроэнергия ва истеъмолчиларнинг қатъий бўлмаган юклама графиги**

Истеъмолчи	Оладиган электрэнергияси МВт.ч.	Интервал бўйича чегаралардаги (мумкин бўлган минимал ва максимал) юкламалар, МВт			
		1	2	3	4
1	1650,0	300,0	400,0	350,0	470,0
		400,0	400,0	380,0	600,0
2	1400,0	200,0	350,0	450,0	250,0
		300,0	350,0	600,0	300,0

Истеъмолчиларнинг юкламаларини бошқариб энерготизимнинг режимини оптимал режалаштириш натижалари 3-жадвалда берилган.

Энергетика тизимининг режимини оптимал режалаштириш натижаларини таққослаш учун истеъмолчиларнинг қатъий чегаравий юклама (ростланмайдиган) графикларини оптимал қоплаш натижалари келтирилган. Бунда умумий ёқилғи харажатлари \$39160,0 ва \$38169,3 бўлиб, улар юклама

графикини оптимал бошқариб режалаштиришдагига нисбатан салмоқли даражада кўпдир.

### 3-жадвал

#### Қатъий бўлмаган юклама графикини оптимал қоплаш

Субъектлар		Узатиловчи электроэнергия, МВт.ч.	ИЭС ва истеъмолчиларнинг оптимал юклама графики, МВт				Жами ёқилғи хара- жатлари \$.
			1	2	3	4	
Истеъ- молчилар	1	1650,0	400,0	400,0	350,0	500,0	-
	2	1400,0	300,0	350,0	450,0	300,0	-
ИЭС	ИЭС-1	1320,0	305,0	325,0	345,0	345,0	15760,8
	ИЭС-2	1730,0	395,0	425,0	455,0	455,0	22391,2
Жами		3050,0	700,0	750,0	800,0	800,0	<b>38152,0</b>

Диссертация тадқиқотининг учинчи боби «**Электр истеъмолчи юкламаларини бошқаришни ҳисобга олган ҳолда, давлатлараро энергетик бирлашмалар таркибидаги энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини оптималлаш**» давлатлараро ЭУЛда қувват оқимларини, бирламчи энергия ресурси чекланган электр станциялар ва энерготизим режимларини дастлабки маълумотлар эҳтимолли ҳусусиятга эга бўлган шароитларда оптималлаш масалаларига бағишланган.

Бу ерда давлатлараро ЭУЛда оптимал қувват оқимларини ҳисоблашнинг самарали алгоритми тавсия этилади. Алгоритмнинг маъноси қуйидагилардан иборат:

1) ҳар бир тизимлараро линия учун қувватнинг олдиндан давлатлараро ўзаро келишувлар асосида аниқланган нархини узатиловчи қувватга боғланишидан фойдаланиш асосида ҳар бир ЭУЛ (ёки унинг гуруҳи) учун қувват нархини узатиловчи қувватга боғлиқлик характеристикаси курилади;

2) ҳар бир давлатлараро ЭУЛ (ёки унинг гуруҳи) ҳисобий маънода мос фиктив станция билан алмаштирилади. Уларнинг энергетик тавсифлари сифатида 1-пунктда олинган тавсифлар қабул қилинади;

3) кўриляётган давр учун ҳисобий станцияларнинг ёқилғи сарфи харажатлари тавсифлари ва фиктив станиялар учун қувват нархининг узатиловчи қувватга боғлиқлиги бўйича энерготизимнинг юклама графикини оптимал қопланади.

Ҳосил бўлган фиктив станцияларнинг юклама графиклари давлатлараро ЭУЛ бўйича қувват оқимларининг оптимал графиклари ҳисобланади.

Бу бобда, шунингдек, электр истеъмолчи юкламаларини оптимал бошқаришда энергия ресурслари чекланган электр станцияларни ҳисобга олиш алгоритми тавсия этилган. Бундай станциялар қаторига биринчи навбатда, режалаштириш даврда берилган сув ҳажмини тўлиқ сарфлаши керак бўлган ГЭС киради. Ростлаш даврида ёқилғи ресурслари чекланган ИЭСлар мавжуд бўлган шароитларда масала янада мураккаблашади. Бундай чеклашлар тенгсизлик кўринишида ифодаланади. Чунки, ростлаш даврида юклама графикини оптимал қоплашда кам ёқилғи ишлатилса, ёқилғининг қолган қисми кейинги ростлаш даврида қўлланилиши мумкин. Ёқилғини кўп миқдорда қўллаш эса, унинг миқдори чекланганлиги туфайли мумкин

эмас.Шунинг учун кўрилаётган масала, ушбу мақсадларда, махсус яратилган алгоритмларни қўллаш асосида ечилиши мумкин.

Ушбу масалани ечишда тавсия этилаётган алгоритмда, математик моделга тенгсизлик кўринишидаги чеклашларни киритиш кўзда тутилади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$\sum_{t=1}^{24} B_{jt}(P_{jt}) \leq \bar{B}_j, \quad j = 1, 2, \dots, m \quad (11)$$

бу ерда  $B_{jt} - P_{jt}$  юкламада сутканинг  $t$ - вақт интервалида ёқилғи миқдори чекланган  $j$ - ИЭСда ҳисобий ёқилғи сарфи.

Тавсия этилган алгоритмда охирги чеклаш жарима функциялари усулида ҳисобга олинади. Умумлашган мақсад функциясига жарима ташкил этувчисини қўшилади ва у қуйидагича ифодаланади:

$$Ш_j = \frac{\alpha}{2} \left( \sum_{t=1}^{24} B_{jt}(P_{jt}) - \bar{B}_j \right)^2 \quad (12)$$

бу ерда  $\alpha$ - юк (жарима) коэффициентини.

Алгоритмнинг самарадорлиги энергетика тизимининг 6 та интервалдан ташкил топган юклама графигини шартли ёқилғи тавсифлари берилган 3 та ИЭС ўртасида 3-ИЭС да шартли ёқилғи захираси чекланган, яъни 900 т.ш.ё га тенг бўлган ҳолатда оптимал қоплаш мисолида тадқиқ қилинган.

4- жадвалда 3-ИЭСдаги шартли ёқилғи захираси чеклангани ҳисобга олинмаганда ва олингандаги ҳолатда оптималлаш натижалари бўйича вақт интерваллари бўйича умумий ёқилғи сарфи келтирилган.

#### 4-жадвал

##### Вақт интерваллари ва ростлаш давридаги умумий ёқилғи сарфи

Оптимал режимлар	Ростлаш даври интерваллари						Жами ёқилғи сарфи, т.ш.ё.
	1	2	3	4	5	6	
Чеклашлар ҳисобга олинмаганда	476,65	436,65	542,73	497,87	616,11	590,23	3160,24
Чеклашлар ҳисобга олинганда	477,85	438,04	544,05	499,10	617,58	521,18	3097,80

Кўрилаётган вазиятда тавсия этилган алгоритм бўйича 3-ИЭС да шартли ёқилғи чекланганини ҳисобга олиш натижасида ёқилғи сарфидаги иқтисод 62,44 т.ш.ё (2%) ни ташкил этади.

Шунингдек, ушбу бобда дастлабки маълумотлар эҳтимолли хусусиятга эга бўлган шароитларда энерготизимнинг қисқа муддатли режимларини оптималлаш алгоритми таклиф этилган. Таклиф этилган алгоритмга мувофиқ бошланғич параметрларининг ҳар бир эҳтимолий қийматлари учун энерготизимнинг режимларини оптималлаш масаласи ечилади. Бошланғич параметрининг барча мумкин бўлган режаларида ва эҳтимолий қийматларида мақсад функциясининг қийматлари аниқланади. Мақсад функциясининг аниқланган қийматлари бўйича тўлов матрицаси шакллантирилади. Сўнгра мақсад функциясининг математик кутилмаси аниқланади. Мақсад

функциясининг энг кичик қийматга эга режаси масаланинг оптимал ечими сифатида қабул қилинади. Тенгсизликлар кўринишида функционал чеклашлар мавжуд бўлганда, ушбу матрица ҳар бир шундай чеклашлар учун шаклланади. Кейин мумкин бўлган оптимал режаларда ҳеч бўлмаганда чеклашлардан биттаси бузилса, у рухсат этиб бўлмайдиган режа сифатида ташлаб юборилади. Масаланинг оптимал ечими қолган рухсат этилган режалар ичидан кидирилади.

Диссертация тадқиқотининг тўртинчи боби «**Энергетика тизими электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптималлашда тармоқ факторини ҳисобга олиш**» тармоқларда исрофлар ва тармоқ факторини ҳисобга олиш усуллари ва алгоритмларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган.

Ўзгарувчиларнинг оптимал қийматларида, яъни, ҳисобий электр станциялар ва электр истемолчиларнинг ростланувчи юкламаларининг оптимал кувватлари, номаълум Лагранж кўпайтирувчиларини аниқлашда кўйидаги шарт бажарилади:

$$\left. \begin{aligned} \eta_i \left( b_i + \sum_{l \in L_p} w_{li}^t \right) &= \eta_j \left( \lambda_j + \sum_{l \in L_p} w_{lj}^t \right), \quad t \in T \ (i \in N, j \in M); \\ \sum_{i \in N} P_i^t - \sum_{j \in M} P_j^t - \pi_t &= 0, \quad t \in T; \\ \sum_{t \in T} P_j^t - \vartheta_j^T &= 0, \quad j \in M. \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

$N, M$  – оптималлашда иштирок этувчи ИЭС ва электр истеъмолчилари тўплами;  $T$ - энергетика тизимининг режимини режалаштиришдаги вақт даври;  $\pi_t$  - электр тармоқлардаги ростлаш даврининг  $t$ - интервалдаги жами актив кувват исрофлари;  $\lambda_j$ - ростлаш даврида  $j$ - тугундаги куввати ростланувчи истеъмолчиларни электр энергия баланси бўйича ҳисобга олувчи Лагранжнинг номаълум кўпайтирувчилари ;  $\sigma_i^t = \frac{\partial \pi_t}{\partial P_i^t}$  - электр тармоқда жами актив кувват исрофининг ростлаш цикли даврида  $t$  – интервалда  $i$  – ИЭС нинг куввати бўйича ҳосиласи,  $\sigma_j^t = \frac{\partial \pi_t}{\partial P_j^t}$  - электр тармоқда жами актив кувват исрофининг ростлаш цикли даврида  $t$  – интервалда  $j$ - ростланувчи электр истеъмолчига эга юклама тугуни куввати бўйича ҳосиласи.  $\eta_i^t = \frac{1}{1 - \sigma_i^t}$  ;  $\eta_j^t = \frac{1}{1 + \sigma_j^t}$ .

Охирги система (4) ва (5) кўринишидаги содда чеклашлар билан биргаликда, электр истеъмолчиларнинг ростланувчи юкламаларини оптимал бошқаришда, электр тармоқларда исрофларни ҳисобга олган ҳолда энерготизим юклама графигини иссиқлик электр станциялари ёрдамида оптимал қоплаш шarti ҳисобланади.

Кўрилатган масалани, яъни (13) дан олинган тенгламалар системасини ечишда умумий ҳолда итерация жараёни тебранма хусусиятга эгаллиги ва



узоқлашиш мумкинлиги билан тавсифланади. Шунинг учун, олинган система фақатгина кўрилаётган масалани электр тармоқларда исрофларни ҳисобга олиб оптималлаш масаласини тушунтириш учун қўлланилади.

Диссертация ишида электр истеъмолчилар юкламаларини бошқариб, тармоқлардаги исрофларни ҳисобга олган ҳолда, энерготизимнинг қисқа муддатли режимларини оптимал режалаштиришда тугунларнинг тармоқ факторларининг актив юкламага боғлиқлигини аввалдан қуришга асосланган янги алгоритми тавсия этилган.

Алгоритм маъноси қуйидагидан иборат:

1) энергетика тизимининг натижавий юклама графиги, тармоқдаги исрофларни ҳисобга олмаган ҳолда электр истеъмолчи юкламаларини оптимал бошқариш орқали, тармоқдаги исрофни ҳисобга олмасдан барча ҳисобий ИЭСлар ўртасида оптимал тақсимланади. Натижада ҳисобий электр станциялар ва электр истеъмолчиларнинг оптимал юклама графиклари ҳосил қилинади.

2) ростлаш даврининг ҳар бир интервали учун электр тармоқнинг барқарорлашган режимлари ҳисобланади. Станция қувватлари ва юклама тугунлари бўйича тармоқ коэффицентлари ва исрофлар ҳосилалари аниқланади. Станция ва истеъмолчиларнинг юклама графиклари нотекислиги туфайли бу ерда  $\sigma_i(P_i)$  ва  $\sigma_j(P_j)$  боғланишлар ҳосил бўлади.

3) Ҳисобий станцияларнинг НЎТни мос равишда  $\eta_i(P_i)$  боғланишга кўпайтирилади ва тармоқ факторини ҳисобга олган ҳолда  $\bar{b}_i(P_i) = \eta_i(P_i) \times b_i(P_i)$  НЎТ олинади.

4) қаралаётган давр ичида худди тармоқ факторини ҳисобга олмаган ҳолдагидек, қайта қурилган НУТ  $\bar{b}_i(P_i)$  ни қўллаш орқали энерготизимнинг режимларини оптимал режалаштириш амалга оширилади. Бу босқичда ростланувчи истеъмолчиларга эга тугун юкламалари бўйича градиент компонентларини ҳисоблашда, 2-пунктда бажарилган натижалардан олинган  $\sigma_j(P_j)$  боғлиқликлари қўлланилади.

Тармоқ факторини ҳисобга олган ҳолда изоҳланган алгоритм бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра натижавий шартли ёқилғи сарфи 0,26% гача камайди. Бундан ташқари тармоқ факторини ҳисобга олувчи юқорида кўрсатилган оптималлаш алгоритми итерация жараёнининг юқори ишончлиликда яқинлашиш имконин берди.

## ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мавжуд ҳолатни тадқиқ қилиш асосида энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда ростланувчан электр истеъмолчиларнинг юкламаларини оптималлаштириш масаласининг математик модели ишлаб чиқилган. Натижада юкламаларни ростлаш шароитларида энергетика тизимининг оптимал режимини юқори аниқликда

ифодалаш имкони яратилган.

2. Оптималлаштиришнинг градиент усули асосида энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини истеъмолчиларнинг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштириш алгоритми ва дастури яратилган. Натижада электр станциялари ва ростланувчан электр истеъмолчиларининг оптимал юкламаларини режим ва технологик чеклашларни эътиборга олиб аниқлаш ва бу орқали рухсат этилган соҳада энергетика тизимининг энг самарали иш режимини таъминлаш имкони яратилган.

3. Давлатлараро энергетик бирлашма таркибига кирувчи энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда тизимлараро қувватлар оқимини оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган. Натижада тизимлараро электр узатиш линияларини орқали ўтувчи қувватларнинг ҳар иккала энергетика тизими учун оптимал бўлган қийматини аниқлаш имкони яратилган.

4. Бирламчи энергия ресурси захираси чекланган станцияларни ҳисобга олиш масаласини математик ифодаси ва ечиш алгоритми яратилган. Натижалар таркибида бирламчи энергия ресурси захираси чекланган станциялар мавжуд бўлган энергетика тизимларининг самарали иш режимларини аниқлаш ва таъминлаш имконини берган.

5. Тугунлар ҳақида дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли характердалиги шароитларида энергетика тизимларининг режимларини тенгсизлик кўринишидаги оддий ва функционал чеклашларни ҳисобга олиб оптималлаштириш алгоритми таклиф этилган. Натижада истеъмолчи юкламалари эҳтимолли характерда бўлган шароитларда энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини тенгсизлик кўринишидаги чеклашларни ҳисобга олиб юқори аниқликда оптимал режалаштириш имкони яратилган.

6. Мавжуд алгоритмларни такомиллаштириш асосида энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариш орқали оптимал режалаштиришда тармоқ факторини ҳисобга олишнинг исроф нисбий ўсишини ҳисобий станцияли ва юкламали тугунларнинг қувватларига боғланишларидан фойдаланишга асосланган самарали алгоритми и дастури ишлаб чиқилган. Натижада энергетика тизимларининг оптимал қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариш шароитларида тармоқ факторини ҳисобга олиб топиш имкони яратилган.

7. Тадқиқот натижалари «Узбекэнерго» АЖ Миллий диспетчерлик марказида Ўзбекистон энергетика тизимининг суткалик режимини ростланувчан электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштиришда жорий қилинган. Илмий тадқиқот натижасида сутка давомида 63,6 тонна шартли ёқилғини тежаш имкони яратилган.

Ростланувчан электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқариш масаласини математик модели ва ечиш алгоритминини қўллашдан олинган умумий иқтисодий самарадорлик бир кварталга 146 млн сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА НАУК DSC.27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ и  
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РЕЙМОВ КАМАЛ МАМБЕТКАРИМОВИЧ**

**ОПТИМАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ НАГРУЗКАМИ  
ЭЛЕКТРОПОТРЕБИТЕЛЕЙ ЭНЕРГОСИСТЕМ**

**05.05.02 – «Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.  
Электротехнические комплексы и установки»**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ  
(DOCTOR OF PHILOSOPHY) ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

**Ташкент — 2018 год**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1. PhD/T91.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Гайбоб Тулкин Шерназарович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Бобожанов Махсуд Каландарович</b> доктор технических наук, профессор <b>Соколов Валерий Константинович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>АО «SREDAZENERGOSETPROEKT»</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-техническом центре». Адрес: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - \_\_\_\_). Адрес: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-03-41

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол реестра № «\_\_» от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.).

**К.Р. Аллаев**

Председатель научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., профессор, академик

**О.Х. Ишназаров**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени, д.т.н., с.н.с

**М.И.Ибадуллаев**

Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущую роль играют исследования, направленные на сокращение расхода энергоресурсов при производстве, передаче и распределении электроэнергии. Уплотнение графика нагрузки улучшает технико-экономические показатели производства электроэнергии и дает возможность обеспечения новых потребителей электроэнергией без строительства дополнительных электростанций. «В развитых странах признано, что мероприятия по выравниванию графиков нагрузок в условиях максимальной нагрузки требуют в 3 раза меньше затрат, чем ввод в эксплуатацию новых станций»<sup>1</sup>. В этом отношении исследования, направленные на повышение энергоэффективности посредством оптимального управления графиками нагрузок регулируемых электропотребителей при планировании краткосрочных режимов энергосистем, имеют важное значение.

В мире особое внимание уделяется разработке математических моделей и алгоритмов решения задач определения рациональных электрических нагрузок потребителей для обеспечения оптимальных режимов работ самих электроэнергетических систем. В этом направлении, в частности, уделяется особое внимание научно-исследовательским работам, нацеленным на разработку алгоритмов планирования краткосрочных режимов энергосистем с учетом оптимального управления нагрузок электропотребителей, оптимизацию при этом потоков мощностей между системами, входящими в межгосударственные энергообъединения, учету электростанций с ограниченным запасом первичных энергоресурсов и сетевого фактора.

В настоящее время в нашей республике особое внимание обращается на качественное развитие энергетической отрасли и повышение технико-технологического уровня отрасли на основе современных требований. В этом направлении, в частности, ведутся работы по разработке необходимых алгоритмов расчета для планирования краткосрочных режимов энергосистем, эффективных по экономичности, надежности и качеству. Вместе с тем одной из важных задач является ведение научно-исследовательских работ, направленных на создание алгоритмов уменьшения расходов топлива за счет оптимизации нагрузок регулируемых потребителей при планировании краткосрочных режимов энергосистем. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрено «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики...»<sup>2</sup>. Одной из актуальных проблем в выполнении этих задач является разработка эффективных алгоритмов оптимизации нагрузок потребителей и потоков мощностей

---

<sup>1</sup> <http://www.energosovet.ru/stat696.html>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

между системами в межгосударственных энергообъединениях, учету при этом станций с ограниченным запасом первичных энергоресурсов и сетевого фактора.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2343 от 5 мая 2015 года «О Программе мер по сокращению энергоемкости, внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы» и №ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго-ресурсосбережение».

